O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

РУСТАМИ ДОСТОН ЎЗБЕКИСТОН!

# Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2004 yil, 16 iyul, juma

11 (292) son

## МАМЛАКАТ САЙЛОВЛАР АРАФАСИДА

Ўтган жума куни Тошкент шаҳрида ЎзМТДП Марказий кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Йиғилишни Миллий тикланиш демократик партияси раиси Иброҳим Ғафуров олиб борди. Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кенгашларининг раҳбарларининг сайловларга тайёргарлик бўйича ҳисоботлари эшитилди ва муҳокама қилинди. Тошкент вилояти партия кенгашида олиб борилаётган иш тажрибасидан бошқа вилоятларда ҳам фойдаланиш тавсия этилди. ЎзМТДП нинг сайловолди дастури лойиҳаси кўриб чиқилди. Лойиҳа ҳақида ЎзМТДП котиби Ҳуршид Дўстмуҳамедов кенгашга ахборот берди. Кенгаш партиянинг сайловолди дастури лойиҳасини вилоятлар партия ташкилотларида кўриб чиқиб таклиф ва мулоҳазаларни билдиришни тавсия этди.

### ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА

Марказий кенгаш жойларда аҳоли ўртасида партиявий, сиёсий, оммавий ишларни янада жонлантиришни ва кўламини кенгайтириш, таъсирчанлигини оширишни тавсия қилди. Шу билан бирга "Миллий тикланиш" партияси аъзолари сафини давримизнинг илғор, пешқадам кишилари ҳисобига тўлдириш ва мустаҳкамлашни, партия ғоялари тарафдорлари ва хайрихоҳлари билан алоҳида эътибор бериб ишлашни партия ташкилотларига топширди. Партиянинг 2004 йил иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаларини тўлдириш ва бойитишга қарор қилинди.

Марказий кенгаш аъзолари ва партия фаолларидан ташкил топган ишчи-ижодий гуруҳлар тузилиб, уларнинг Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва туманларда истиқлолнинг 13 йиллигига бағишланган аҳолининг барча қатламлари билан учрашувлари, мулоқотлар, давра суҳбатлари ўтказиши режалаштирилди.

Сайловга тайёргарлик жараёнларида партиянинг фаолият юритиши учун зарур маблағлар йиғишга барча партия аъзолари ва хайрихоҳларни сафарбар қилишга келишиб олинди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманларда август-сентябр ойлари ичида конференциялар ўтказиш ва долзарб масалаларни муҳокама этишга қарор қилинди.

Марказий кенгашда шу йилнинг октябр ойи сўнгги ҳафтасида ЎзМТДП курултойини чақириш ҳақида қарорга келинди.

**ЎзМТДП МАТБУОТ МАРКАЗИ**

## РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ АМИР ТЕМУР ОРДЕНИ СОҲИБИ

Дунёнинг 56 та мамлакатидан 128 нафар кучли гроссмейстерлар қатнашган баҳснинг финишида ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов шоҳсупанинг энг юқорисидан жой олди.

Юртимиз шоҳмот ва унинг буюк даҳолари ватани эканлигини бутун дунё яхши билади. Улуғ соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги қадимги битикларда ҳам "Шоҳмот ўйини давлатни идора этишда "беқиёс подшоҳ" дея таъриф берилганлиги фикримизнинг далилидир. Шундай экан, бу тупроқда янги-янги истеъдодли инсонлар туғилиб, камолга етаётганлигидан ҳайратланиш эмас, балки ғурурланишимиз керак. Бундан ўн йиллар олдин тошкентлик шоҳмотчи Р. Қосимжоновнинг номи республикамиз оммавий ахборот воситаларининг саҳифаларида тез-тез тилга олина бошланди. У 1979 йил 5 декабр куни Тошкентнинг Шайхонтоҳур туманидаги "Ўқчи" маҳалласида туғилган. Беш ёшида шоҳмот ўйинини акасидан ўрганган. Шуниси қизиқки, бу ўйинга бўлган меҳри кун сайин ортиб борди. Акаси уйда йўқ бўлса, кичик Рустам онасининг ёнига бориб, шоҳмот доналарини суришни илтимос қилаверарди. Шоҳмот устаси — Рустамнинг болалигини унинг онаси Меҳриниссо ая шундай хотирлайди: "Уйда акаси бўлмаган дамлар, Рустам шоҳмот тахтасини орқамдан олиб юрарди. Қаерда бўлмайин, ҳатто овқат қилаётган маҳалим ҳам тинч қўймасди. Худога шукр, буларнинг бари бесамар кетмади».

Рустам ўн бир ёшидаёқ ўз тенгқурлари билан ўтган Ўзбекистон биринчилигида ғолиблик нашидасини сурган. Шундан сўнг, 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида учинчи ўрин, 1994 йили Катар мамлакатининг Доха шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида олтин медални қўлга киритган.



Ёш шоҳмотчининг эришаётган ютуқларини кўриб, Президентимиз Ислом Каримов унга компьютер ва 300 мингдан ортиқ сара ўйинлар матни ёзилган диск совға қилган эдилар.

Шундан сўнг Рустам Қосимжонов ўз ўйинини кучайтириб, 1997 йилнинг август ойида халқаро тоифадаги гроссмейстер унвонини олишга сазовор бўлди. Ўша йилнинг куз ойларида Рустам Қосимжонов Президентга хат йўллади. Хатда унинг барча ҳаракатлари мустақиллигимизнинг шарофатига боғлиқ эканлиги ёзилган.

Хатдаги "Сизнинг спортга, шоҳмот ва шоҳмотчиларга кўрсатаётган ғамхўрлигингизга жавобан бундан сўнг бутун ғайратимни катталар ўртасида жаҳон чемпиони бўлиш учун курашга қаратмоқчиман" деган жумлалари унинг бугунги ютуқларига ҳамоҳанг.

Энди бевосита турнирга тўхталадиган бўлсак, унда Рустам бирин-кетин ўзидан кучли спортчиларни мағлубиятга учратди. Нимчорак баҳсида Европа чемпиони, жаҳон вице-чемпиони украиналик Василий Иванчук юртдошимизга муносиб рақиб бўлди. Лекин маҳоратли Рустам Қосимжонов уни енгди. Ярим финалда эса, янада кучлироқ бўлган, чемпионатнинг биринчи рақамли шоҳмотчиси — болгариялик Веселин Топаловни таслим этганида, мутахассис ва мухлислар лол қолдилар.

Финал учрашувида Буюк британиялик Майкл Адамс навбатдаги "қурбон" бўлди. Қоидага кўра, ўтказилган олти партияли "шоҳмот жанги" дуранг, 3:3 билан якунланди. 25 дақиқадан иборат икки партияли тезкор шоҳмотда Рустам ажойиб ўйин намойиш этди. Ҳисоб 1,5 — 0,5. Рустам Қосимжонов — жаҳон чемпиони!

Хитойга жўнаб кетган мамлакатимиз футбол терма жамоасига ва Афинага борадиган олимпиячиларимизга ҳам Рустам Қосимжоновнинг йўлини берсин. Спортимиз доимо чўққиларни забт этаверсин!

**Суннатилла ИСЛОМОВ, "Миллий тикланиш" мухбири.**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга!

Ассалому алайкум муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Шахмат буйича Жаҳон чемпиони бўлишим муносабати билан менга йўллаган табригингизни катта ҳаяжон билан ўқиб чиқдим! Бундай юксак эътибор учун Сиздан жуда минатдорман. Қанчалик фахрланаётганимни сўз билан ифодалаш қийин. Сизга бир неча йил олдин, ўзингиз совға қилган компьютерда ёзган хатимда берган ваъдамни бажарганимдан беҳад хурсандман.

Мен бу ютуқни устозларимнинг меҳнати ва албатта Сизнинг бевосита эътибор ва ғамхўрлигингиз натижаси деб биламан. Ва бу менга доимо куч-қувват беради. Шунинг учун ҳам бугун мен эмас — Ўзбекистон чемпион бўлди, жаҳон шахмат тожига мен эмас — бутун ўзбек халқи сазовор бўлди деб ҳисоблашингизни сўрайман. Мен айнан Мустақиллик йилларида шахматчи бўлиб танилдим. Олдин ҳам айтганимдек, истиқлол бўлмаганида мен қаерда эдиму, бундай нуфузли мусобақалар қаерда эди. Мен ушбу ғалабамни, энг улуғ байрамимиз. Ўзбекистон Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлайман.

***Сизга сиҳат-саломатлик тилаб, чексиз миннатдорлик билан ўғлингиз Рустам ҚОСИМЖОНОВ.***

Триполи,
Ливия 2004 йил 14 июль

## ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТЛАРИ: ЭРКИНЛИК ПОЙДЕВОРИ



Мамлакатда икки палатали профессионал парламентни шакллантириш ислоҳотлари халқимизни фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришга доир стратегик мақсадларни амалга ошириш йўлидаги буюк яратувчилик сари интилишидир. Ўзбекистон Республикаси иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг X сессияси (2002 йил, декабрь) «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонунларни қабул қилиб, мамлакатнинг янги, икки палатали парламентини шакллантиришнинг ва икки палатали парламент фаолиятининг асосий принциплари ва ҳуқуқий асосларини яратиб берди. Бунда Қонунчилик палатасининг кўппартиялилик асосида шакллантирилиши ҳақидаги қоида асосий принциплар қаторида мустаҳкамланди. Мамлакат парламенти тўғрисидаги қонунларда илк марта сиёсий партияларнинг парламентда фракцияларни тузиш ва уларни мувофиқлаштирадиган меъёр ва тамойиллар ифодаланди.

### Сўз — партия етакчиларига

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришни таъминлашга қаратилган мазкур Конституциявий қонунлар келажакда ташкил этилиши кўзда тутилаётган икки палатали парламентнинг структураси, таркиби, ҳар бир палатанинг ўрни ва функциялари Қонунчилик палатаси ва Сенат депутатлари мақомлари, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, умуман, парламентнинг қонун чиқарувчи ҳокимият сифатида тутган ўрнининг конституциявий асослари мужассамлашди.

(Давоми 2-бетда)

## УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР

### Партия ахбороти

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туман кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ТошДЖТУ қошидаги академик лицей директори Жуманазар Ҳасанов туман кенгаши раиси этиб сайланди. Шунингдек, Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек маҳалласида ЎзМТДП етакчилари билан учрашув бўлиб ўтди. Сайлов тўғрисидаги қонунлар ва сиёсий партияларнинг сайловда тутган ўрни мавзусида ўтказилган ушбу мулоқотда маҳалла оқсоқоллари, мактаблар раҳбарлари ва маҳалла аҳли қатнашди. Уни Тошкент шаҳар кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Х.Мирзажонова олиб борди. Партия етакчилари И. Ғафуров, М. Қориева, Г. Боқиевалар йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Чилонзор туманидаги Чилонзор маҳалласида ҳам шу мавзудаги мулоқот ўтказилди.

***

Жиззах вилояти кенгашида партия ташкилий тузилмаларини кенгайтиришга жиддий эътибор беріляпти. Шу бугунга қадар вилоятда қирққа яқин партия ячейкалари тузилганлиги партиямизнинг кенг оммага тарғиб қилиш, маҳаллалар, муассасаларда аҳоли билан ишлаш имкониятини яратмоқда.

***

Самарқанд вилоят кенгаши фаоллари Нарпай туманидаги "Қалдирғоч" қишлоғида бўлиб қишлоқ аёллари билан мулоқотда бўлдилар. Учрашувда жамият ҳаётида аёллар фаоллигини ошириш, партия ва аёллар мавзусида суҳбат бўлди.

***

Самарқанд шаҳрида партиямизнинг 5 минг нафар аъзоси иштирокида сайлов жараёнларига тайёргарлик мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Самарқанд филиали билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирда «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати ва бошқа нодавлат жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

***

ЎзМТДП Ургут туман кенгаши йиғилишида Самарқанд Давлат иқтисодиёт ва сервис институти магистри Малик Дониёров Ургут туман кенгаши раиси этиб сайланди.

***

Самарқанд вилоятида кейинги икки ҳафта ичида ЎзМТДПга икки минг нафар янги аъзо қабул қилинди.

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Б. Мўминов вилоят педагог ходимларининг малакасини ошириш институтида институт тингловчилари билан учрашди. Учрашувда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган саммити ва унинг халқаро аҳамияти ҳақида сўз борди. Шунингдек, Б.Мўминов вилоят солиқ бошқармаси ходимлари билан навбатдаги мулоқотини ўтказди.

***

Андижондаги "Ҳамкорбанк" ходимлари билан Андижон вилояти кенгаши етакчилари ўқув семинар ўтказдилар. Семинар Президентимизнинг Олий Мажлиснинг 14 сессиясида қилган маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди. Унда мазкур маърузанинг видеотасмаси иштирокчиларга намойиш қилинди.

***

"Андижоннома" газетасида ЎзМТДП Андижон шаҳар кенгаши раиси Алишер Жалиловнинг "Ошкоралик фақат ёрдам беради" сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Унда партиялар ва жамият ҳаётида ошкораликнинг аҳамияти ҳақида сўз боради.

**Ўз мухбиримиз**

## СПИРТФУРУШЛАР
### ва уларнинг милициядаги ҳамтовоғи

Бешариқ Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Шу боисдан қўшни давлатдан қинғир йўллар билан ноқонуний товарлар олиб ўтиш ҳоллари содир этилаётгани сир эмас. Кейинги йилларда спирт маҳсулотларини тожикистонлик фуқаролар томонидан Фарғона вилояти ҳудудларига яширинча олиб ўтиб сотиш ҳақида турли хабарлар оғиздан-оғизга кўчиб юрарди. Негаки, вилоят ҳудудидаги хусусий савдо шохобчаларида ташқи кўриниши жиҳатидан заводда тайёрланганидан ҳеч қандай фарқ қилмайдиган "қўлбола" ароқ маҳсулотлари сотилаётгани хусусида фуқаролар тегишли назорат органларига мурожаатлар қилишган эди. Қўлбола ароқ тайёрлаш учун спирт, бутилка, ёрлиқ, қопқоқ, аксиз маркаси қаердан олинади? Албатта, жойи бор, буларнинг барчаси хуфёна "бозор"чаларда қўлдан-қўлга яширинча сотилади.

— Ичкиликбозлик одамзод истиқболининг энг ашаддий душманидир, — деб айтган эди швецариялик невропатолог олим Август Форель. Қўли қалтирайдиган, кўзи хиралашган, ёмон эшитадиган, нафаси сиқишдан ҳарсиллайдиган, ёнига борсанг қўланса ҳид анқиб турадиган, оғзининг иштонбоғи бўшалиб — бефаросат олди-қочди гаплардан ўзини тия олмайдиган, кийим боши ифлос, шайтоний қараш қиладиган нусхаларни кўз ўнгингизга келтирдингиз-а?

Ароқ ичишнинг ўзи заҳар ичишдай гап. Уй шароитида, гигиена қоидаларига амал қилмай "қўлбола" тарзда тайёрланган ароқ эса заҳри қотилдай. Мутахассисларнинг фикрича этил спирти таркибида кўриш қобилиятини пасайтирадиган, хотирани сусайтирадиган, жинсий қувватни заифлаштирадиган зарарли моддалар бўлади. Уларни фақат замонавий технологиялар асосида ишлайдиган корхона ва завод шароитида ажратиб олиш мумкин, холос.

Демак, инсон ҳаётига мазмун бағишлаб турувчи қобилиятлардан маҳрум бўлиб бораётган ичкиликбозлар тақдирига ачинмай илож йўқ. Қани эди улар гап уқса-ю, ёмон иллатдан қутила қолса... Деярли ҳар гўшада, ҳар маҳаллада ичкиликбоз кимсалар бор. Уларнинг аччиқ қисмати аён...

Бешариқдан Қўқонга қараб йўл олган "Дамас"нинг олд ўриндиғида милиция формасида Нодир Рўзиев ўтирибди. Давлат Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари "милиция ходими бор жойда жиноят содир этилмайди" деган ишонч билан бу "Дамас"ни тўхтатиб текширишмайди. Жиноятчилар гуруҳи учун эса, айнан шу зарур. Милиция ходими Нодир Рўзиевнинг хизмати ҳам шу, оладиган фойдаси ҳам шунинг эвазига. Унинг кузатувидаги автомашинада кўп миқдорда спирт борлиги эса ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Қарға қарғани кўзини чўқимайди-ку! Бу нақл ҳамтовоқларга ишончли далдадай гап.

"Абдужаббор, сенда кўп гап бор" деган ўзбекча иборани эшитгансиз. "Қаҳрамон"ларимиздан бири Бешариқ туманидаги Товул қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Янги ҳаёт қишлоғида яшайдиган Абдужаббор Толиповда ҳам кўп гап борлиги сири очилиб қолди. У Тожикистон Республикасининг Конибодом туманида истиқомат қилувчи танишларидан ноқонуний спирт маҳсулотларини олиб-сотиш билан шуғулланган. Ҳар бири 200 литр сиғимли пластмасса идишдаги этил спиртини конибодомлик Равшан исмли шахсдан 260 минг сўмданга олади. Устига йигирма минг сўм қўйиб, 280 минг сўмга Учкўприк тумани Қурбон қашқар қишлоғида яшовчи Манёз Мамадраимов ва Ҳикмат Содиқовларга сотишга келишади. Хуллас, Абдужаббор Толипов 2004 йилнинг 4 ва 8 май кунлари терговда шахси аниқланмаган "Равшан" исмли шахсдан 3 та пластмасса идишларда бўлган 600 литр этил спиртни 780 минг сўмга сотиб олиб, М. Мамадраимов, Ҳ. Содиқовларга 840 минг сўмга сотган. Қўқон ҳам катта шаҳар — спиртга харидор топилади. Шу тариқа спиртни Қўқонгача бехавотир етказишда улар милиция хизматидан фойдаланишди — Нодир Рўзиев билан жиноий тил бириктиришди.

2004 йил 10 май. Шайтон васвасасига учиб осон пул топиш илинжида Қўқонга келишган бу қора кунни милиция ходими-ю ва яна уч нафар ҳамтовоқ спиртфурушлар умрининг охиригача "лаънатлаб" ўтса керак. Шу куни шаҳарнинг Пўстиндўз кўчасида жойлашган фуқаро Маъруф Раҳматуллаевга тегишли гаражда пластмасса идишлардаги спирт туширилаётган вақтда уларнинг қўлига кишан солинди. Қўқон шаҳар миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат Солиқ Инспекцияси тезкор ходимлари спиртфурушларнинг олди-сотди фаолиятига чек қўйдилар.

Қўлимизда Қўқон шаҳар прокурори ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси Акбаржон Юсуповдан бир нусха олинган Ўзбекистон Республикаси номидан ўқилган ҳукм.

Қўқон шаҳар синов ва сертификатлаштириш марказининг хулосасига кўра, судланувчилардан далилий ашё сифатида олинган 600 литр этил спирти стандарт талабига жавоб бермайди. Судланувчилар А. Толипов, М. Мамадраимов, Ҳ. Содиқовлар ўзаро тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, кўп миқдордаги этил спиртини қонунга хилоф равишда муомалага киритиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 186- 1-моддасини 2-қисми "а", "б" бандларида кўрсатилган жиноятни содир этишган. Қўқон шаҳар ички ишлар бошқармаси қўриқлаш бўлимида милиция взводи милиционери бўлиб ишлаган Н. Рўзиев ҳам ҳокимият вакили бўлгани ҳолда ҳамтовоқларини қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқиб, спирт маҳсулотини Қўқон шаҳрига олиб келинишида йўлда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан ушланиши мумкин бўлган тўсиқлардан ўз хизмат формасидан фойдаланган ҳолда кузатиб келган. Ўзи жиноятчиларга қарши курашиш ўрнига онгли равишда жиноят содир қилганларнинг юзи доимо шувут бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлаверади. Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди ўз ҳукмини чиқарди. Абдужаббор Толипов 6 йил, Манёз Мамадраимов 5 йил, Нодир Рўзиев 4 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этилди, улар жазо муддатини умумий тартибли колонияларда ўташга ҳукм қилинди. Ҳикмат Содиқов эса, 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 72-моддаси қўлланилиб, тайинланган жазо шартликка алмаштирилиб, 2 йил синов муддати белгиланди.

Осонроқ пул топиш кўчасига кирган, на инсоф, на виждон ва на диёнатни билмаган спиртфурушлар айбларига иқрору қилмишидан пушаймонда. Аммо энди кеч бўлганди...

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ.**

САҲИФАЛАРНИ ВАРАҚЛАСАНГИЗ:

2-бетда
*«Фарғонадан Тошкентга келиб кетиш учун ноёб ускуналар билан жиҳозланган қимматбаҳо "Тез тиббий ёрдам" дан бошқа транспорт топилмадими?»*

3-бетда
*ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ: "Илмни дунё (мол-мулк) орттириш ва мансаб эгаллаш учун хизмат қилдирувчи олимлардан узоқ бўлмоқ керак".*

4-бетда
*"Мансаб курсисида ўтирганингда одамларга яхшилик қил, мансаб кетади, қилган мурувватли ишларинг қолади."*

# «НОДИРАБЕГИМ»



Мен бу забардаст шоиранинг портретини қайсидир журналда кўрдим-у, маҳлиё бўлиб қолдим. Портретнинг аслияти — оригинали қандайкин-а? Рассом Анвар Назиров мўйқаламига мансуб бу асар Ўзбекистон Давлат Адабиёт музейининг мулкига айланиб кетган экан.

Музейнинг очилиш маросимида қатнашган эдим. Ўшанда бу асар бўлмаган, албатта.

3-қаватга кўтарилдим-у, ўнг тарафдаги бир гўшани эгаллаган "Нодирабегим"ни кўриб ғоятда мутаассир бўлдим — руҳият бироз сукутга кетди. Бир замонлар Парижда, Лувр музей-саройидаги кўргазмада Леонардо да Винчи мўйқаламига мансуб "Монна Лиза" портретини кўриб туриб ҳам шундай ҳолатга тушган эдим.

Нодирабегим портретидан бутун залга нур ёғилаётгандек эди. Зеро, у музейнинг шоҳ асарига айланибди. Ўзбек рангтасвир санъатининг асарлари билан ўтган асрнинг 30-йилларидан бери танишиб келаман. Аёл тимсоли бунчалар сермазмун ифода этилган бошқа хил асарни билмайман.

Портрет муаллифи марҳум Анвар Назиров шахси, бошқа хил ижодлари билан танишиш мақсадида у кишининг тенгқур ҳампешаси, атоқли рассом Малик Набиев ҳузурларига бордим.

"Анваржон хушчақчақ, ҳазилвон бир рассом эди. Уни Анвар Назирий деб ҳам атардик" дедилар оқсоқол.

Хуллас, қидира-қидира рассомнинг уйларини ҳам топиб бордим. У кишининг фарзандлари — Муроджон ҳам ота йўлидан бориб рассом бўлиб етишган экан.

Муроджон олдимга "Нодирабегим"нинг ўнлаб эскизларини уйиб ташлади. Бундан ташқари ҳали ҳеч қаерда намойиш этилмаган "Зулфия билан Ҳамид Олимжон" сурати ҳам бор эди-ки, унинг таърифи сўзга сиғмагудек. Шунингдек, Мукаррамахонимнинг чарх уриб рақс қилаётгани тасвирланган сурат, Тамарахоним, Ибн Сино, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий портретлари ҳам бор эди.

Ягонаи замона Нодирабегим ҳақида замондошларининг айтишларича, "Нодираи давронимиз камолу ақлу ҳушёрликдин мамлакатни ўз тахти таснифига олди, халқларни эҳсону карам билан шод этди. Фарғона мулкини обод қилди. У — Зуҳрасифат Нодира ҳеч вақт давлат, салтанатга мағрур эмас эди, камолу ақлу закоси, таъби расосидин кечаю-кундуз рангин ғазаллар ёзиш ва ўқиш билан машғул бўлур эди". Аммо Нодирабегимнинг қисмати фожиали бўлганлиги тарихдан маълум.

1842 йили Бухоро амири Насруллохон гўё бу ерда (Қўқонда) изидан чиққан шариат қоидаларини низомга солмоқчи бўлиб, турли važ-корсонлар билан Нодирабегимни икки ўғли — Муҳаммад Алихон, Султон Маҳмудхон ва норасида набираси Муҳаммад Аминхонлар билан ваҳшийларча қатл эттиради.

Анвар Назирийнинг "Нодирабегим" портрети том маънода ўзбек аёлининг тимсолидир. Келгусида миллий валютамизда улуғ сиймоларнинг портретлари ҳам акс эттириладиган бўлса, шу портрет ҳам муносиб ўрин олгусидир.

**Шарафиддин КЎНЧИ.**



***МУАЛЛИФ ҲАҚИДА***

***Ғайбулла ас-Салом "Мавлоно Шарафиддин Туробнинг «Ҳангомалар» китобини ўқиб яна янги бир тарафдан ўзим учун кашф этгандай бўлдим. Бу унинг бадианавислиги, ҳикоячилиги, нозик инсоний туйғуларни илғаши ва юқтириши" деб эътироф этгандилар.***

***Шарафиддин Туроб (Шарафиддин Кўнчи) — 1927 йили Тошкентда туғилган. 1946 йилдан матбуот саҳифаларида мақолалари, бадиалари босилаётир. 1954 йили Тошкент Политехника институтини битирган, йигирма йил Ўзбекистон телеграф агентлигида таржимон ва муҳаррирлик қилган. Юзга яқин китобларни таржима қилган. Қирққа яқин чет мамлакатларда бўлган. Жаҳонгашта ижодкор. — "Мароккодан Япониягача" номли китоби "Маърифат" нашриётида босмадан чиқиш арафасида. Шарафиддин Кўнчи ҳозирда "Миллий тикланиш" газетасининг ижодий ҳамкори, маслаҳатгўйи ҳамдир. Шарафиддин Кўнчининг берилаётган "Нодирабегим" номли мақоласи сиз азизларга инжа туйғулар завқини ҳадя этишига ишонамиз.***

## *ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ: "Илмни дунё (мол-мулк) орттириш ва мансаб эгаллаш учун хизмат қилдирувчи олимлардан узоқ бўлмоқ керак".*

# МИЛЛИЙ ТОМОША ГУРУҲЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

*"Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилгандан буён миллий санъатимиз, урф-одатларимизни тарғиб этиш йўлида бир қатор самарали ишларни амалга ошириб келмоқда.*

*Яқин кунларда Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида бўлиб ўтган "Миллий дорбозлар, анъанавий цирк санъати ва қўғирчоқ театрларининг 111-Республика кўрик фестивали" деб ном олган анжуман шундай хайрли ишларнинг ёрқин мисолидир. Анжуманни ташкил этишда "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси Маданият ишлари вазирлигининг халқ ижодиёти ва маданий, маърифий ишлар илмий услубиёт маркази, Маданият ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмитаси ва "Ўзбекдавлатцирк" катта жонбозлик кўрсатишди. Мазкур анжуманга она диёримизнинг барча вилоятлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан санъат шайдолари ташриф буюрдилар. Ўзига хос мусобақа тарзида ўтган кўрик-фестивал нафақат Андижон, балки водий жамоатчилигини ҳам бефарқ қолдирмади. Фестивал ўтказиладиган жойга ўн минглаб томошабинлар йиғилиб, қадимий санъатлар ворисларининг чиқишларини мароқ билан томоша қилдилар.*

*Нуфузли мутахассис олимлар, санъаткорлардан иборат ҳайъат иштирокчиларнинг ҳар бир чиқишини холислик билан баҳолаб борди. Натижада миллий дорбозлар кўригида Марҳамат туманининг "Андижон самоси" гуруҳи, цирк гуруҳлари орасида Тошкент вилоятининг "Қалдирғоч" жамоаси, Қўғирчоқ театрлари кўригида эса Асака туманининг "Қалдирғоч" ва Жиззах вилояти Халқ қўғирчоқ театри вакиллари биринчи ўринга муносиб деб топилдилар.*

*Ғолиблар фестивал ташкилотчилари ва ҳомийларининг қимматбаҳо совғалари, фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.*

**Мансур ҚОДИРОВ.**

# АҲРОРОВ ЯХШИ ОДАМ ЭДИ

**"Уни ҳамма қувалик дер эди. Қуванинг ярмиси унинг ака-укасига айланган эди. Кўпчиликка қон бераверив, қони битта бўлиб кетган эди. Лекин у донорлар рўйхатига ёзилмаган. Унинг қони ҳам, жони ҳам бепул эди бемор учун."**

**Доктор Мирзали Аҳроров ҳақидаги хотиралардан...**

Инсонга бериладиган энг олий сифат жуда лўнда сўзлар билан ифодаланади — Яхши Одам. Қолган барча айтилиши керак бўлган кўнгилли гаплар мана шу сифатнинг ичида жамланади. Одамнинг яхши одамлиги эса қалби, бутун вужуди билан яхшиликка интилиши, амалга оширган эзгу ишлари билан белгиланади. Яхши Одам бўлиб яшаш, умр кечириш эса ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Яхши одамлар ҳақида эшитиш, уларнинг олийжанобликлари, эзгу амалларидан бохабар бўлиш инсонни яшашга, яшаганда ҳам одамларни, ҳаётни севиб яшашга ундайди. Доктор Аҳроров. Бу номни эшитганда шифокор Мирзали Аҳроровни таниган-билганлар, дўсту қадрдонлар, унинг қўлларидан, меҳр тўла қалбидан жисмига дармон, руҳига қувват олган инсонларнинг дилидан юқоридаги самимий сўзлар кечмоғи тайин: Яхши Одам!

Водил-Фарғона вилоятининг энг сўлим гўшаларидан ҳисобланади. 1937 йил айни қиш чилласида мана шу сўлим ва баҳаво Водил қишлоғида, Аҳрор Мирзо Бадал ўғли ва Дўрихоннисо аялар оиласида ўғил туғилди, чақалоққа Мирзали деб ном беришди.

Ёшлигидан тиришқоқ, ақлли-ҳушли бола бўлган Мирзали мактабни аъло баҳоларга битириб, Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишга киради. Институтни ҳам аъло баҳолар билан тамомлагач, 1962 йилнинг ёзида Фарғона вилоятининг Қува туманига ишга келади. Мирзали фаолиятининг илк даврларидаёқ, ўзининг чаққон, қўли енгиллиги, ўткир зеҳни, пухта билими билан устози, Қува тумани Марказий касалхонасининг жарроҳлик бўлими мудири Владимир Владимирович Балабановнинг меҳрини, ишончини қозонди. Беморнинг кўнглига йўл топиб, хаста вужудларга даво бериб, уларнинг яхши сўзларига, самимий эътирофларига сазовор бўлди.

Асли Водилнинг ўғли бўлган Мирзали Қуванинг энг гўзал қизи, Андижон тиббиёт институтини битириб келган Мўътабархонга уйланди ва шу воқеа билан Доктор Аҳроровнинг тақдири Қува билан чамбарчас боғланди. Улар бир неча ой Водилдан Қувага қатнаб ишлашди. Аввал коммунал хўжалик



идораси берган икки хонали квартирада яшашди, кейинроқ ўзлари ер олиб, уй қуришди. Бу йиллар давомида оилаларида ширинданширин уч ўғил ва бир қиз — Бахтиёр, Баҳодиржон, Зафаржон ҳамда Дилфузахонлар дунёга келишди.

«Бу киши ҳар гал операцияга кетсалар, мен юрагимни ҳовучлаб ўтирардим, — дея эслайди Мирзали Аҳроровнинг турмуш ўртоғи Мўътабархон опа. — Беморларига яратгандан узоқ умр тилардим. Чунки, операция пайтида ўлим рўй берган чоғлар бу киши худди ўз яқинидан айрилгандек ачиниб йиғлардилар. Касаллари соғайиб кетса, бу киши учун ҳам, биз учун ҳам байрам эди. Иродаси кучли, эътиқоди мукаммал, иймони бут инсон эдилар. Ишлари қанча кўп бўлмасин, болалар тарбиясига алоҳида аҳамият берганлар. Дўстлари учун жонини беришга ҳамиша тайёр турардилар». Мирзали Аҳроров нафақат намунали оила бошлиғи, ибратли ота, умр йўлдош, фидойи инсонгина эмас, балки Устозлик бурчини ҳам ҳалоллик билан адо этганларини шогирдлар сўзидан англаса бўлади. «Устоздан жуда мураккаб операцияларни ўргандим. Оғир беморларни даволаш усулларини, ҳаётдан кўз юмаётган беморларга жон фидо қилиб, қайтадан оёққа турғазишни ўргатганлар. Устоз ҳамиша «Шифокор ўта масъулиятли, тадбиркор, билимли, изланувчан бўлиши керак. Энг муҳими: бемор агар аёл бўлса — ўз онам, деб билинг. Эркак бўлса — отангиздан зиёда кўринг. Ёш бола бўлса, худди ўз фарзандингиздай меҳр билан муносабатда бўлинг» деб тайинлардилар." Бу Мирзали Аҳроровнинг шогирди Миродилжон Арслоновнинг самимий хотиралари. Ўз ҳаловатини ўйламай, ҳамиша ўзгалар ғами билан яшаган, неча минглаб беморлар дардига шифо бўлган, атрофдагилардан ёрдамини аямай, дўсту яқинларининг яхши-ёмон кунида тоғдай таянчи бўлиб яшаб ўтган Доктор Аҳроров.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак-ки, Мирзали Аҳроров туман соғлиқни сақлаш тизимида жарроҳлик ишларини юқори чўққиларга олиб чиққан, 70-йилларнинг ўрталаридаёқ Қувада биринчи бўлиб, ўпка операцияларини йўлга қўйган шифокордир. Фарғона шаҳрида кўп йиллар машҳур хирург бўлиб ишлаган Юрий Федорович Исаковнинг ўз шогирдларига «Агар оғриб қолсам-у, операция қилишга тўғри келса — Қувадан Аҳроровни чақиринглар!» деган гапи Мирзали Аҳроровнинг шифокорлик маҳоратига билдирилган ишонч, юксак баҳо десак муболаға бўлмас.

«Яхши ўтган ҳар қандай умр узоқ умрдир» деган эди донишмандлардан бири. 2000 йил 2 март. 63 ёшда эди Доктор Аҳроров. Вафотидан бир кун олдин ҳам бир беморни операцияси устида эди. Сўнгги нафасигача одамларга фақат эзгулик қилишдек ҳалол бурчига, тоза виждонига содиқ қолди. Доктор Аҳроров — уни таниган-билганлар тилида Яхши Одам рутбаси билан ёдланади. Донишманднинг ҳикматли сўзига таяниб айтсак, Мирзали Аҳроровнинг умри эл хизматида юрган фарзандлари Бахтиёржон, Зафар, Дилфузахон, ота касбини олган Баҳодиржонларнинг яхши амалларида, келинлару набиралар, дўсту ёрларнинг соғинчли хотираларида давом этмоқда.

Қўлимда мўъжазгина рисола, Санъат Маҳмудова қаламига мансуб — Доктор Аҳроров. Бу китобда Мирзали Аҳроровнинг айтилган, айтилмаган ва яна айтилиши керак бўлган хислатлари, фазилатлари илиқ хотираларда битилган. Айтиш мумкин-ки, бу китоб ҳам Яхши Одамнинг ҳаётлигида ҳам, вафот этгандан сўнг ҳам унинг босиб ўтган йўли, қилган савобу яхшиликлари одамлар учун ибрат бўлиб қолишига ёрқин мисолдир.

Доктор Аҳроров ҳақида яна кўп ва хўп гапириш мумкин. Энг асосийси, инсонни эл-халқ билиши, уни эъзозлаб Яхши Одам номи билан улуғлашида.

**Зумрад ВАҲОБОВА,**
**«Миллий тикланиш» мухбири**

*Пайғамбар ёшингиз муборак!*

# НОННИ АЗИЗ БИЛГАННИНГ ЎЗИ ҲАМ АЗИЗ



*Оллоҳ ўзи суйган бандаларига ноёб иқтидор ато этар экан-ки, шундай азизу-мукаррам инсонлар ҳар қандай оғир вазиятлардан ҳам ишнинг кўзини билиб чиқа оларкан. Андижонлик Қаҳрамон ака Солиев ҳам шундай инсонлар сирасига киради. Яратган Парвардигор ўзи суйган бандаларининг ризқини ҳам улуғ, вазифаларини ҳам мўл қилиб яратар экан. Қаҳрамон ака эсини танибдики қўли меҳнатда, дили Оллоҳда. Шунга яраша ҳурмат-иззат ҳам топган.*

*Қаерга бормасин уни таниганлар, ундан яхшилик кўрганлар давраларнинг тўрига таклиф қилишади. Бу ҳам бахт.*

*Мамлакатимизда нон ишлаб чиқариш корхоналарининг кўпи банкротлик ёқасига келиб қолган бир пайтда Қаҳрамон Солиев бошлиқ Андижон туманидаги нон ишлаб чиқариш ёпиқ турдаги акционерлик жамияти мўътадил ривожланиб ишлаётир. Бунга эришишнинг ўзи бўлмайди. Бор-йўғи йигирма тўрт нафар ишчи-хизматчилар фаолият кўрсатаётган мўъжазгина нон корхонасида ўтган июн ойида 81 тонна нон ёпилди.*

*— Яхши масалликдан яхши овқат пишади, — дейди Қаҳрамон ака. — Айниқса, нон маҳсулотлари тайёрлашда меъёрларга амал қилиш жуда муҳим. Зарур масалликларни керагича солган тақдирда, нон пишириш технологиясига тўлиқ амал қилган ҳолда иш юритилса, маҳсулот харидорсуяр бўлади. Ҳа, Қаҳрамон ака йигирма йилдан бери шу корхонага етакчилик қилади. Доимо ишлари намунали. Иш уч сменада узлуксиз бораётир. Айниқса, табиий газ тақчиллигининг олдини олиб қўйиш учун жуда кўп ғайрат ва маблағ сарфлашга тўғри келаётир.*

*Корхонада ишчилар ўзларини бир оила вакилидек ҳис этишади. Раҳбари меҳрибон отадек. Ўткир Каримов, Шуҳрат Қодиров, Қимсан Мақсудов каби нонвойлар, уларнинг устаси Абдуқаҳҳор Валиевлар барчага ибрат. Лаборант Акром Солиевнинг хизматлари ҳам катта.*

*— Қаҳрамон ака Солиев юзлаб мутахассисларнинг, шу жумладан менинг ҳам устозим, — дейди вилоят "Матлубот савдо" акционерлик компанияси раиси Маҳаммадшариф Мажидов. — Мана, табаррук ёшга — пайғамбар ёшига кирди. Ҳамкасбимиз, нонни азиз билиб, ўзи ҳам нондай азиз-мўътабар бўлиб умргузаронлик қилаётган Қаҳрамон акани самимий муборакбод этамиз. Ўғил-қизларининг роҳатларини кўраётир, энди набиралари, чеваралари орзу-ҳавасларини кўрсин!*

*Қаҳрамон ака ҳузуридан қайтар чоғи корхона ҳисобчиси маълумотнома тақдим этди: Ярим йилликда режалаштирилган 500 тонна ўрнига 599,1 тонна нон маҳсулотлари тайёрлаб сотилган. 5 миллион 500 минг сўм соф фойда олинган. Ўтган йили ҳам жуда даромадли бўлган. Ҳар бир дона акцияга 2 минг 940 сўмдан дивиденд тўланган. Мижозлардан нон маҳсулотлари сифати юзасидан бирор марта эътироз билдирилмагани катта ютуқ. Тумандаги қирққа яқин болалар боғчалари, саккизта касалхонага, барча савдо дўконларига нон етказиб берилаётир. Мижозлар сони кўпайиб бораётир. Энг қувончлиси Андижон шаҳридаги савдо ташкилотлари ҳам нон корхонаси маҳсулотларига харидор. Ишчиларнинг ойлик маошлари ҳам мунтазам ортиб бораётгани қувончли.*

*Ютуқларни санайверсак кўп...*

*Қаҳрамон акага бағишланган дил сўзларимизни Муҳаммад алайҳиссаломнинг васиятларидаги ушбу муқаддас каломлар билан якунлашни лозим топдик:*

*«... Ҳар кимнинг маоши ҳалол бўлса, дин ва эътиқоди қувватлик бўлар, кўнгли тор бўлмас, кўзи Аллоҳ Таолонинг хавфидан гирён бўлар ва дуоси қабул бўлар. Ул банданинг ризқи беҳиштдан келар ва дини маҳкам бўлар. Дили қоронғу бўлмас ва ҳақ йўлини танигай.»*

*Ҳалол меҳнат билан топганларингиз муборак тўйларингизга буюрсин!*

**Гавҳар ДИЛМУРОДОВА,**
**Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси.**

*Ҳодиса*

# «ПАЛАКАТ ЖОЙМИ» ЁКИ...

**Тошкент шаҳри Маннон Уйғур кўчасида бунёд этилган кўприкнинг остидан ўтадиган йўлдан то катта халқа йўлигача йўл полосаларга ажратилмаган. Шаҳар Ички Ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси тегишли чора-тадбирлар кўрмаган.**

**Автоҳалокатларнинг олдини олиш мумкинми ёки "палакат жой" деб юрилаверадими?**

Маннон Уйғур кўчаси билан Дилкаш кўчаси туташган чорраҳани кўпчилик "палакат жой" дейди. Ҳар ойда уч-тўрт марта автоҳалокат содир бўлаверса яна нима деб аташ мумкин бу жойни?

14 июл — чоршанба куни соат эрталабки 9 дан 45 дақиқалар ўтганида шу жойда яна автоҳалокат содир бўлди. Чорраҳанинг шундоққина биқинида жойлашган "Кўкча-Оқтепа" автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчасига бурилаётган 30G 23 — 25 давлат рақамли "ГАЗ-24" маркали шахсий автомашинасининг орқа томонидан келаётган 10 U 63 — 28 давлат рақамли "ДАГАН" маркали шахсий автомашина тўқнашиб кетган. Ҳар икки автомашина жиддий шикастланган.

— Автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси чорраҳанинг ёнида жойлашгани ҳам тез-тез автоҳалокатларни содир бўлаётганига сабабчимикан-а?, — деб автоҳалокатни расмийлаштираётган Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати инспектори, милиция сержанти Шариф Бобожоновдан сўрадик.

— Шохобчани қуришдан аввал тегишли идоралар рухсат бериб қўйибди-ку, йўл ҳаракати ходисаларига — автоҳалокатларга ҳайдовчиларнинг белгиланган тартиб-қоидага риоя қилмаётгани сабабчи бўлаётир, — дейди у.

— Шу чорраҳада жуда кўп автоҳалокатлар содир бўлади, нега шундай?

— Эҳтимол, шу йўл ҳудудига азиз-авлиёлар хоки дафн этилгандир, яна билмадим-у, аммо тез-тез авария бўлаётгани ташвишли.

Инспектор Шариф Бобожонов яна бир фикрни билдирди: "Маннон Уйғур кўчасининг шу ҳудудлари жуда серқатнов бўлишига қарамай, йўл оқ чизиқлар билан полосаларга ажратилмаган. бу ҳам ҳайдовчиларни палапартиш ҳаракат қилишига йўл очиб беради.

Назаримизда, "Кўкча — Оқтепа" АЁҚШга жой ажратилаётганда айрим ҳолатларга эътибор берилмаган. Шохобчага кириб чиқувчи йўлак жуда тор, устига-устак серқатнов кўчага туташган. Шохобчага кириб-чиқишни тартибга солиб турувчи йўл ҳаракати хавфсизлиги белгилари қўйилмаган. Энг ачинарлиси, АЁҚШга майдон шундоққина 245-ўрта мактабнинг ёнидан ажратилган. Ундан ташқари АЁҚШнинг ёнгинасида Тошкент шаҳар қурилиш касб-ҳунар коллежи ҳам бор. Бу икки ўқув даргоҳида минглаб болалар таълим олишади. Улар АЁҚШдан чиқаётган заҳарли газларни ҳидлаб ўтиришга мажбур, охир-оқибатда болалар ўзи билмас асоратларга мубтало бўлишади-ку!

Бизнингча, пойтахт ҳокимияти мутасаддилари коллеж ва мактабдаги болалар соғлиғига зиён етказувчи "Кўкча — Оқтепа" АЁҚШга ер ажратиш борасидаги қарорларини яна бир карра ўрганиб чиқиб, хулоса айтса, келгусида таълим даргоҳлари, болалар боғчалари, тиббиёт муассасаларига яқин ҳудудларда шундай иншоотлар қуришни тартибга солса айни муддао бўларди.

Кўпгина тажрибали ҳайдовчилар ва шу ҳудудда яшовчи одамлар билан мулоқотда бўлганимизда шу АЁҚШга кираётган ва чиқаётган автомашиналар кўпроқ ҳалокатларга сабабчи бўлаётганини рўй-рост айтишди.

**Ўринбой КЕНЖАЕВ,**
**"Миллий тикланиш" мухбири**

